



«ШЎРОИ УЛАМО» («Уламолар кенгаши») — Туркистон уламолари жамияти. 1917 йил июнда «Шўрои исломия» а, т ажралиб чиққан ва 1918 йил 13 майгача иш олиб борган. Жамият дастури ва низомига кўра, ички сиёсий тузилмада шариат қонунларига қатъий риоя қилиш, миллий-диний кадрларни юксалтиришга даъват этилган ва мадрасаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш айтилган.

Бирок дастурда маиший турмуш ва аёллар масаласида консерватив қарашлар устунлик қилган. Жамиятнинг Тошкент, Қўқон, Самарқанд шаҳрларидаги шўъбаси фаол иш олиб борган. Тошкент шўъбасига Шерали Лапин раҳбарлик қилган. Жамиятнинг энг йирик Қўқон шўъбасига эса Мулла Муҳиддинхон Мулла Улуғхон Тўраев раис бўлган. «Шўрои уламо» «алИзоҳ» (муҳаррир Абдумалик Хожи Абдунабиев; 1917 йил июнь — 1918 йил май), «алИслоҳ» (муҳаррир Абдурахмон Сайёҳ; 1917—18) жур. ларини нашр этди. Уларда даврнинг долзарб муаммолари: диний, ахлоқий, илмий, иқтисодий, ижтимоий масалалар ёритиб борилди. «Шўрои уламо» ташаббуси билан Тошкентда Туркистон ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойи ўтказилди (1917 йил сентябр). Унда уламочилар ва шўрои исломчилар ўзаро бирлашиб, «Иттифоқи мусулмин» сиёсий партиясини туздилар. Жаҳидлар ва уламолар ўртасидаги зиддият ва ғоявий қураш кучайган. Уламочиларнинг орасида ҳам ҳокимият масаласида турли қарашлар мавжуд бўлган. Тошкентлик уламочилардан фарқли равишда Қўқондаги «Шўрои уламо» аъзолари большевикларга қарши чиққан ва Туркистон мухторияти ҳукуматини қўллаб-қувватлаган. 1918 йил март

ойида Кўкон якинидаги Бачкир кишлогига «Шўрои уламо» ва «Шўрои исломия» фаолларининг ташаббуси билан Фаргона водийсидаги кўрбошиларнинг илк курултойи ўтказилиб, Туркистонда совет режимига қарши курашга ҳаракатнинг мақсади ва вазифалари белгиланган. Совет даврида уламочилар ва шўрои исломчилар фаолияти сохталаштирилиб, улар «халқ душмани» ва «миллатчи» сифатида кўрсатилган.

Ад.: Мустафо Чўкай ўғли, Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари), Т., 1992; Туркестан в начале 20 века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Аъзамхўжаев С., Туркистон мухторияти, Т., 2000; Ражабов К., Хайдаров М., Туркистон тарихи (1917— 1924), Т., 2002; Мингноров А., Туркистонда 1917—1918 йиллардаги миллийсиёсий ташкилотлар, Т., 2002.

Саидакбар Аъзамхўжаев, Кахрамон Ражабов